

## МОТИВАЦИЯ ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРУВЧИ САБАБЛАРДАН БИРИДИР

**Халимова Фарога**

**Халимова Фазилат**

*Ўзбекистон Республикаси Самарканд вилояти Каттакургон тумани 34-  
умум урта таълим мактабининг Инглиз тили фани уқитувчилари*

Мустакилликдан бери юртимиз буйлаб катор йиллар давомида турли сохаларда улкан узгаришлар булиб келмоқда. Айниқса, юртбошимиз Ш.Мирзиёев томонидан олга сурилган ХАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ халкимиз равнаки учун муҳим ахамият касб этади. Ушбу стратегия асносида республикамизда тубдан ислохотлар олиб борилмоқда ва бу ислохотлар таълим соҳасини ҳам четлаб утгани йук. Таълим билан бир каторда уқитувчиларнинг даражасини кутариш, моддий рағбатлар ва турли имкониятларнинг очиб берилиши, халкимиз йул бошчисининг одилона сиёсатидан дарак беради. Бу каби уқитувчи хаётидаги мотивациявий кувонарли узгаришлар, педагог ходимларнинг янада уз устида ишлаб, уқувчиларга таълим беришида янада фидокорона ёндашувига сабаб булмоқда. Ва бу уз самарасини тез фурсатда курсатмоқда. Колаверса, бу менга уз устимиздада ишлаш учун улкан имкон яратган холда янада куч, рух ва завк бурмоқда.

Биз инглиз тили фани уқитувчилари инглиз тилидан дарс бериб келаётган Каттакургон туман 34-умум урта таълим мактабда 2019 йилдан бошлаб уқувчи ёшларга таълим беришда биров узгартириш киритдик. Бунга асосан хар бир дарс жараёнида “Warm-up activities” (кизиктирувчи фаолиятлар)ни куллаш, инглиз тилида кушик куйлаш, макол ёки шеър, ролли ва грамматик иш-уйинларни бажариш, турли манбалар; жумладан дарслик асносида интернет тармогидан олинган тестлар, «Устоз-шогирд анъанаси»ни янада ривожлантириш каби тамойилларни йулга куйдик. Бундан ташкари турли тадбир ва кечаларни уюштириш билан бир каторда ёшларни мустакиллик руҳида тарбиялаб, уларда ватанпарварликни янада ривожлантириш каби устувор режаларни узимизга мақсад килдик ва бунинг устидан чиқишга муяссар булмоқдамиз.

Шу йил бошидан узимиз учун уқувчилар билан турли тадбирлар утказишни режа килиб куйган эдик. Хар бир утказилажак инглиз тилидаги тадбирлар бир-биридан тубдан фарк килишини истаган холда, узимизнинг миллий ва чет эл ТВ дастурлари оркали берилаётган турли шоу ва илмга асосланган кизикарли дастурларни уқувчи ёшлар билан утказиш режалаштирдик ва амалга оширдик. Яъни уларни худди ТВ дастуридаги иштирокчилардек узларини хис этишига имконият яратдик. Бу билан уларни

фанга янада кизиқиши ортади деб умид киламан. Бунга мисол жорий йилнинг мац ойида «Заковат» интеллектуал уйинини укувчилар уртасида утказдик. Бундан ташкари бу каби тадбирлар укувчиларни хозирдан касбга тайёрлаш учун мотивация булади деб хисоблаймиз. Сабаби укувчилардан олган аноним хатларда укувчи ёшлар ичидан инглиз тили фани укитувчиси, гид-таржимон ва борт кузатувчиси каби касб эгалари булишни истаган укувчилар аникланди. Бу биз учун жуда кувонарли албатта. Колаверса, 11-синф битираётган укувчилар ичида инглиз тили йуналишини танлаб, укишга кирмокчи булган укувчилар сони бир канча. Уларнинг келажагининг ривожига хисса кушишга сабабчи була олсак, биз узимизни бахтли санаймиз.

Шу уринда мухтарам юртбошимиз ташаббуси билан чет тили фанидан билим даражасининг C1 сетрификатини кулга киритган чет тили фани укитувчиларининг маошига 50% устама кушилиши биз укитувчиларга янада катта хурсакндчилик булди ва бунини муваффакиятли амалга оширдик. Бизда Миллий Сертификат C1 (Multilevel testing system) ва TEFL C1 даражадаги халкаро сертификатлари мавжуд. Бу даражаларнинг олиними укувчиларимизга хам уз урнида катта кизиқиш булди.

Укитувчи мисоли бир наккош. Укувчи эса тоза варокда чизилган накшдир. Шундай экан, келажакда биз етиштириб берадиган ёшларни тугри тарбиялаб, уларга таълим беришда ута масъулиятли булиш хар бир педагог учун, жумладан мен учун хам катта вазифа деб биламан. Шахсан мен мактабимиз укувчиларини, жамоамиз ва рахбариятни жуда яхши кураман ва хурмат киламан. Таълим беришимиз учун катта имкониятлар яратилган. Талаб битта – факат сифатли таълим бериш керак холос.